



Мухтор АВЕЗОВ



Собит МУҚОНОВ



Габит МУСРЕПОВ



Гали УРМОНОВ



Габидин МУСТАФИН

ҚАРДОШЛИК КУЙЛАРИ БАРАЛЛА ЯНГРАСИН!

ДЎСТОНА УЧРАШУВЛАР

Бугун республикада қозоқ адабиёти ҳафталиги бошланади. Қозоқ халқининг атоқли ёзувчилари Собит Муқонов, Габит Мусрепов, Тоир Жароков, Гали Урмонов, Сирбой Мавленов, Ҳамит Ергалиев, Жубан Мулдағалиев ва бошқалар дўстлик қаровига адабиёт асарларини ортди, республикамизга меҳмон бўлиб келадилар.

Ҳаққимиз, китобхоналаримиз қозоқ ёзувчиларининг келишини сабрсизлик билан кутмоқдалар. Бу мушторлик туйғуси табиийдир. Чунки икки қўшни республика халқларининг дўстлиги, қариндошлиги қадимийдир. Бу дўстлиқни устоз шоиримиз Ғафур Ғулом бундай деб ифодалагани ёдингиздадир:

Минг йилларга бар тутқазмас
Қариндошлиқ тарихимиз,
Икки боша бир мангилдай
Яқинроқ тақдиримиз.
Бир китобнинг икки бети,
Туташгандир еримиз,
Бир-бировга кундай равшан
Денимиз, сиримиз,
Қариндошим, туғиқоним
Улкан қозоқсан ўзинг
Тоғ ортида энгиз болар
Ўзбек билан юлдузинг.

Бу дўстлик Совет ҳокимияти йилларида янгича улуг мазмун касб этди. Энди бутун-бутун халқлар бир-бирининг кўнглига нурли йўл топди.

Ҳафалик арафасида биз қозоқ адабиётининг кўркем асарларини китобхоналаримиз орасида кенг тарғиб қилиш чораларини кўрдик. Меҳмонларимизнинг кўп асарлари ўзбек тилига таржима қилинди. Китобхоналаримизга улкан адиб Мухтор Ғафуровнинг тўрт томлик «Абай» романи, Габит Мустафиннинг «Қарағанда» романи, Собит Муқоновнинг «Менинг мактабим» китоби ва қўриқ ерлар ҳақидаги янги очерклари, қозоқ шоирларининг катта мажмуаси

Суратларда: (юқоридан пастга), Тоир Жароков, Жубан Мулдағалиев, Сирбой Мавленов, Ҳамит Ергалиев.

Жубан МУЛДАҒАЛИЕВ.

ШОИР ҚИССАСИ

(Поэмалар парча)

1.
Бирма-бир келиб турмоқда
Зал тўлиб куй жазмалари,
Шондоран қўшиқ кутмоқда
Қадрдон эл фарзандлари,
Шоир-чи? Йўқ ундан ишонин,
Бир ўрин тўра бўш қолди...
Янгираб залини шу замон
Сўнг уни сўзи сўз олди:
«Илалас агар ким мени,
Куйларим бўлсин нур-чирок,
Езласа куйим ҳажминин,
Билар у сиринин шу чоқ,
Илаласин, йиғмай куй туғини,
Қўшиғим бўлар сўнг ҳозир».
Кўтинин биллиб ўз юртини
Шу хил дер ўзи йўқ шоир,
Юртида кезиб куй доғи,
Қанотини қанотларини,
...Урушнинг хавфли бир чоғи
Еш она ёни оқарди.
Ҳазил, куй, ақл, дено сўз
Олдида ётар сўнгги хат.
Тун қўтиб гўзал қора кўз
Қарарди унга бегона.
Шоир-чи? Шоир не куйда?
Зорикса, ёри хат олмас
Тўлганар, қалби не ўйда,
Айтмига боз ботиномас,
Куй ёлғиз, гариб қолгандай,

Бирдан у қайнаб бўзлади,
Довулдан чакридан тинмай,
Довулдан зал сўнг музлади,
Юрт кўзи қўшиқ изида,
Юртлар унга муштор, зор,
Қаҳридан йилинган куйида
Йўллар кўридан қатор.

2.
— Қайс вақт? Тун, ё кун
Балқиб...
Кетишим мумкин бир қалқиб...
Қариндошим, уйқусиз, беҳол,
Уйқусиз шайтон эмасини,
Демак, у уйғонар, кулар,
Кўзлари юмук, дармонсиз,
Уйғонсин, кулиш — ўй булар.
Узлади ўй ҳам муҳлатдай,
Яна тун, зулмат ҳукмрон.
Бурон битган соатдай
Дил урар аста, бедармон.
Елғиз дил қолди, шу юрган
Санайди азоб кунларини,
Бошқасини фанисит ўлдирган,
Бугун куч лабини уларини.
— Кечирин! Ўлим эмас бу —
Кўнглимиз тушди у фақат,
Олдида гўллар рубару,
Тирикдир қасос, муҳаббат!
Зулматини унутган каби
Уйғонди лия ўйлари.
Еприлиб дилга келарди
Жанговар кураш куйлари.
«Келгунча яна жанг куйи
Бир қўшиқ ёзиб қолайин.
Мўса қўй, тарк эт уйқунини,
Тур, қўлга қалам олайин».

АСҚАД МУХТОР

«

»

«Қозоқ ҳикоялари» деган янги тўплам тақдим этилди. Шунинг маъноси, ўзбек китобхоналари қозоқ адабиётининг энг яхши намуналарини ўзбек тилида ўқитиш, асли нусхадан ўқиб имкониятига эгадирлар. Бу китоблар ҳар бир китобхонада хонадонига Темиртау металлургиянинг ва Қарағанда кўмирчиларнинг оташ нафасини, Олмаота болларининг хушбўйини, Қўстай бугдойзорларининг заррин тўқинларини, оқин ўзланларининг жарангли товушини олиб келади.

Қозоқ адабиёти ҳафталиги республикада ўтказилган шу хилдаги ҳафаликларнинг давомидир. Москва ёзувчиларининг адабий кечалари, украин, тожик, озарбайжон адабиёти ҳафаликлари, шунингдек Тожикистон, Озарбайжон ва Украинада ўтган ўзбек адабиёти ҳафаликлари халқ-

ларимизнинг маънавий бирлигини, адабиётларимизнинг улуг мақсад ҳамоханлигини намойиш қилди.

Ўтган ҳафаликлардаги сингари, биз бу сафар ҳам меҳмонларимизга халқимизнинг етти йиллик жаҳонда эришган ютуқларини кўрсатамиз, Тошкентда, Мирзачўлда, Самарқанда ва Қорақалпоғистонда кенг китобхоналар оммаси билан дўстона суҳбатлар уюштирамиз, ёзувчилар коллективлари ҳозирги замон темасини ёритиш ва маҳорат проблемалари ҳақида ижодий баҳслар ўтказамиз.

Ҳафаликлар қардош адабиётларимизнинг байрами бўлиш билан бирга, ҳаммамиз учун катта ижодий мактаб ҳамдир. Янги дўстона ижодий учрашувлар олдимизга Коммунистик партия томонидан қўйилган асосий вазифани яхши адабиётнинг халқ ҳаёти билан алоқасини мустаҳкамлаш вазифасини бажаришга ёрдам беражам.

Зоҳиджон ОБИДОВ.

МАРҲАБО

Сир ва Аму топишгандай улкан Орол бағрида,
Қисмати бир элатдошимиз, эмуқдошимиз азалдан.
Бу қардошлиқ дебосаси минг йилларнинг қаърида,
Қудайғимиз, туғишганим, бизлар қадим маҳалдан,
Тили яқин, дили яқин, эли оқин, марҳабо!

Биргаликда сув шимириб азамат Сир наҳридан,
Қўл ушлашиб тегишганимиз асрлар давоида.
Улкан шаҳар, тоғлар туби, кенг яйлолар бағрида
Улан айтиб йўлашганимиз дўстлик дастурхонида.
Кел қароғим, жон қозоғим, қон-қардошим, марҳабо!

Бўз ерларнинг бугдойидан олтин адр хирмоннинг,
Кўниб ўт деб ардоқлаган манзилларда меҳмоним,
Ўзбек меннинг ўз оғам деб, йўлқимга кўз тутгансан,
Дўмбранигла мақтов солиб куйлагансан бўстоним.
Кел меҳмоним, меҳрибоним, марҳабо!

Москвага йўлим тўшса, эт ва қимиз тутгансан,
Қўниб ўт деб ардоқлаган манзилларда меҳмоним,
Ўзбек меннинг ўз оғам деб, йўлқимга кўз тутгансан,
Дўмбранигла мақтов солиб куйлагансан бўстоним.
Кел меҳмоним, меҳрибоним, марҳабо!

Қозоқ совет адабиётининг улкан намоёнаси Собит Муқоновнинг номи мамлакатимиздаги кенг китобхоналар орасида машҳурдир. С. Муқонов «Бўтакўз», «Сирлар», «Ҳаёт мактаби», «Адашганлар», «Темиртош», «Бўдағи тўқинлар» каби йирик проза асарлари ва бир қанча ҳикоя, очерклари билан қозоқ совет адабиётда проза жанрининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшган адибдир. Шунингдек, у ўзининг кўп йиллик, йирик поэтик асарлари билан ҳам қозоқ совет поэзиясининг ривожланишига алоҳида ўрин тутди. Биз алоҳид адабнинг машҳур асари «Бўтакўз» романи ҳақида ўз таассуротларимизни айтиб ўтмоқчимиз. Бу роман ўзбек тилига таржима қилинмаган. Лекин шу роман асосида ишланган «Бўтакўз» бадиий фильмининг кўрганимиз.

«Бўтакўз» романи узоқ йиллар ижодий изланиш натижасида 1938 йилда майдонга келган йирик адабий полотодир. Биринчи марта «Жумбоқ ялов» номи билан босилб чиққан бу романининг темаси Ойбекнинг «Қўлгир қон», Б. Керобоевнинг «Дадил қадам» ромаларининг темасига ҳамохандир. Романда 1912 — 1920 йиллар орасидаги қозоқ меҳнаткашлари босиб ўтган шонли революцион йўл бадиий сўз воситалари орқали китобхона кўз йўлида реал эпизодларда гавдалантирилди. Роман қозоқ совет адабиётининг 30-йиллардаги катта ютуқларидан бири ҳисобланади.

Автор романи 1948, 1953 йилларда қайта ишлаб, «Бўтакўз» номи билан нашр қилди. Роман 1949 йилда рус тилида нашр қилинди ва кейинчалик Қозоғистон давлат бадиий адабиёт наشريёти томонидан С. Муқонов асарларининг 6 томия-

ТАҚРИЗ

„Бўтакўз“ — ҳаёт кўзгуси

тўпламида 3-том сифатида яна нашр қилинди.

«Бўтакўз» асосан 3 бўлим ва эпиклоган иборат бўлиб, бу бўлимлар тарихий воқеаларни хронологик тарзда бирма-бир ҳикоя қилади.

Дастлабки бўлим — «Зулматда» деб аталиб, унда қозоқ овулининг биринчи жаҳон уруши арафасидаги муҳим ҳаёти ва 1916 йилги миллий-озодлик кураши тасвирланади.

«Тонгтар пайтида» деган иккинчи бўлимида 1916 йилги миллий-озодлик ҳаракати, қозоқ халқи орасида сиёсий курашнинг ривожланиш процесси кўрсатилади. Учинчи бўлим «Қўш қулганда» деб номланади. Бу бўлим коммунистик революция талабаси, граждонлар уруши даври, оқлар ва оқо-ўрдачиларнинг мадубиятини тасвирлашга бағишланган.

Романининг бош қаҳрамонлари меҳнаткаш, оддий қозоқ қизи Бўтакўз, овул ўқитувчиси, революционер-большевик Асқар ва қишлоқ камбағли, кейинчалик партизан отрядларининг комиссари Омонтойлардир. Шунингдек, романда бир қанча иккинчи даражали ижобий қаҳрамонлар ва бўлис Итбой, подшо офицери чиновник Алексей Кулаков каби салбий қаҳрамонлар ҳам кўрсатилаган.

Романининг воқеаси Қозоғистоннинг Кўкчетов областида, Буврабой қўли атрофида бўлиб ўтади.

Роман сюжетига Бўтакўзнинг оддий ўй хизматкори даражасида ижтимоий курашда тобланиб, революционер-большевик даражасига кўтарилганча босиб ўтган ҳаётий йўли ҳикоя этилган.

Бўтакўз ёшлигидан рус мактаби-

Дўстимиз — яқинимиз

Ўзбек эли қўшқорларини кериб, дарвозаларини катта очиб, қозоқ қардошларини кутиб олмақда. Қозоқ билан ўзбек азалдан қариндош, қўда-анда бўлиб, бир яйлода мол боққан, бир майдонда улоқ чопган, бир ўтовда қимиз ичгандир. Қозоқнинг «беш бармоғи» ўзбекда таъриф бўлгандек, ўзбекнинг палови қозоққа таниқдир.

Бу икки халқнинг тили каби дили ҳам, ери, суви ҳам бир-бирига туташиб, қатъий кетгандир. Қозоқ билан ўзбек бошига биропи мушкул тушганда ҳамдард ва шодлик кунларида ҳамдард бўлган вафодар халқлардир.

Икки халқнинг фикри-дилини бир-бирига тағин ҳам яқинлаштиришда санъат ва адабиётнинг муҳим восита бўлгани ва бўлаётгани шубҳасиздир. Улкан Жамбулнинг қозоқ ўлкасида сержозиб, салобатли ўзланлари ўзбек тўйларига файз киритгандай, Исом шоир достонлари қозоқ ўтовларини обод қилди. Мухтарам Мухтор Аветов эпосеяси орқали биз Абайдек улуг бир сиймо билан яқиндан танишган ва топишган бўлсак, оғохон адибимиз Ойбек ердимида қозоқ эли буюк Навоийимизни ўз қалбига жойлаштирди. Ўзбекининг забардаст куйчиси Ғафур Ғулом оқсоқол Собит Муқоновининга эмас, жон қозоқнинг барча оқимларини ўз дўсти-яқини ҳисоблайди ва улар билан дўстона ижодий мусобада қилганда мамнун.

Қардошларнинг ана шундай дўстона ижодий мусобада ва мунозараси ўзининг ажойиб самараларини кўрсатмоқда. Бошқа кўп қўшнилари қатори, қозоқ халқи адабиётдан ҳам баҳраманд бўлмоқда. Эндиликда ўзбек ўйлариди китоб жа-

Суратда: Қозоқ Совет ёзувчиларининг ўзбек тилида нашр қилинган асарлари.

воиларидан қозоқ адабиётининг гўзал намуналари ҳам жой олди. Кейинги вақтларда қозоқ адабиётдан ўнча яқин китоб таржима қилиб чиқарилади. Дўстларимиз ҳам валло-матлик қилиб, ўзбек адабиёти намуналаридан анчагина китобни ўз китобхоналарига қозоқ тилида тақдим этганлари бизни беҳад қувонтирди.

Биз таржима ишларини қанча кенгайтириб борсак, қардош адабиётларининг ҳазиналарини шунча кўпроқ кашф этаборамиз. Бу аса кўп миллатли совет адабиётини тағин ҳам ривожлантиради. Қардош адабиётлар ҳафаликлари адабий ҳамкорлигимизни ҳар тарафлама раванқ топтиришда шубҳасиз муҳим омилдир.

Ўлкамизга марҳамат қилинг, қозоқ биродарлар!



Ҳамит ЕРГАЛИЕВ.

ТЕМИР ЙЎЛ

Сувси чўлда кўчиб — қўшиб,
Биз саргардон юрган эдик...
Чўл азобин чекиб — йиллар...
Кўп ҳасратин кўрган эдик.

Бунимларга қишда борсак,
Туя чарчаб қолар эди.
Опоқ дала чексиз, холи,
Кўзларимиз толар эди.

Улкам ҳозир муштор бошқа
Қайта борсам йўлим-темир.
Тунамайман тоғу-тошда,
Уйдагидек вагонда умр...

Бу йўлларнинг икки четин
Қалин ўрмон яширади.
Йўл қуёни гир айланиб,
Ғилдиракка бош уради.

Йўл бўйида учрашди
Тепла-тепа шўрхон-шўр ер,
Шу ерларга пелонамдан
Қанча-қанча оққанди тер.

Қандай яхши улуг элим
Темир йўлни ўйлагани.
Қандай яхши элим аро
Ман ҳам уни куйлаганим.

Султон ҚОЛБЕК таржимаси.

ларининг ҳис-туйғулари ва кечинмаларини оқинида табиат манзаралари, воқеалардан ўринли фойдаланган, Масалан, Итбой овулига урядлик Кошкин мардикор олиш хабарини олиб келаятганда довул кўтарилиб, табиат халққа ундан олдириб бир муҳим хабардан дарак бераётган бўлади.

Романда буюк рус халқининг содиқ фарзандлари, революционер-большевикларнинг раҳбарлигида қозоқ меҳнаткашлари овулига озодлик қўшини нур сочганлиги, эксплуататорлар синфи емирилиб, меҳнаткаш халқнинг янги, социалистик ҳаёт барпо этилганлиги, халқлар дўстлиги ва озодлик йўлида олиб борилган революцион кураш талаб билан туғалланганлиги эфр бадиий маҳорат билан қилиб берилган. Роман катта қизиқиш билан ўқилади.

«Бўтакўз» фильмининг ўзбек тилида таъмоша қилган ўзбек китобхоналари «Бўтакўз» романининг ҳам ўзбек тилида нашр қилинишини таржимон адибларимиз ва нашриётларимиздан кутмоқдалар.

Бугун республикада қозоқ совет адабиётининг ҳафалиги бошланади. Ҳафаликка қатнашиш учун қардош республикадан бир қанча машҳур сўз усталари келишади. Бу моҳир сўз санъаткорлари делегациясининг бошлиғи, «Бўтакўз» романининг адиби, улкан қозоқ оқини Собит Муқоновдир. Биз азия меҳмонларга «Хўш келибсиз, қардошлар!» деймиз ва уларнинг ижодий ишларига янги муваффақиятлар тилаймиз.

Юсуф АБДУВАЛИЕВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар ака-
демияси Пушкин номи тил
ва адабиёт институтининг аспиранти.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“

2-БЕТ, 6 СЕНТЯБРЬ, 1960 ЙИЛ.

НАЗАРМАТ таржимаси.

ни ясилаган Шарқ бозори майдони харидорлар билан тўлиқ. Сотувчиларнинг қўли-қўлига жамийди. Бу ердан эънинг ҳамма ноз-неъматларини сотиб олиш мумкин эди.

«Муштум»нинг кариавалга ҳўмон бўлиб келганлиги ёшнинг қувончига-қувонч қўлиб юборди. Сатир ва юмор ҳасан ўтказилаётган майдонда амиятимизга доғ туширатган бир бебур шахслар, ийқис олифталарни танқид қилувчи интермедия ва пародиялар татик билан баъжанлашди. Бу мемерлар негидан аскиябозлик қилгани кетди.

Марказий ёстрада саҳнасига ёзда қўзлар тикилган. Ўзбек авлат ёстрадаси артистлар севган жозибдор қўшиқ напарларни икром этишмоқчи. Поштақ бадийи ҳаваскорлар ҳам шу саҳнада катта концерт қўйиб бердилар. Концерт қилаётган саҳналар етимиш янгидамини, кўл устида ёстрада тамошалари бошлаб юбодди. Қўлнинг чап ва ўнг роққарида ашула ва рақс нуқраслари қизгин давом эткоди.

Паркинг Держинский майини томон йўл оламини, Ўртада ҳўйимиз Ленинга бағишланган киноий фильмлар намойиш қилишмоқда. Республика қўйирг театри ҳам шу ерда спектакль кўрсатаётир. Йил театр йилиг ўқидириб ўтирган йилларда Муқимий номли театр тистилари икросида «Даргона қояси» спектаклини заъқ биин тамоша қилишадди...

Карнавал машғули ёққилидини вақт ҳам янчилишиб қолди қиллиб, ҳамма парона кираринидаги кўз қирғонига шоллади. Сув юзида оққуш-келар пайдо бўлади. Уларда шўвал ушлаган ёшлар-карнавалчи ёшлар билан ўти...

а 33262 орқали Партия
н — 29040, 135. Қишлоқ
3, 156. Маҳаллий ахборот